

Jurnal Makon

Fevral/2008

M&TVA:
йил эътирофи

Навоийдан
нима ўргандим?

Азизхон
ҚАЮМОВ:
ИЛМ ЛАЗЗАТИ

Зулайхо
БОЙХОНОВА:
«Ўзимга ўзим
алла айтганман»

Минг йиллик тарихга эга классик меросимизнинг авлодларга етиб боришини заҳматкаш олимлар меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Порсохон Шамсиев ҳам фидойи олимлардан эди. У Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Вақфия», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» каби илмий-насрий асарларини ва «Хамса» матнини қунт ва чидам билан нашрга тайёрлади. «Бобурнома»нинг китоб жавонимиздан ўрин олиши учун жонбозлик кўрсатди...

Суйима ФАНИЕВА

Порсохон Шамсиев: «Гуҳар чўмса дарёға...»

Ўзбек адабиёти ва матншунослигининг комусий билимдони, хақиқий аллома Порсохон Шамсиев ўз фаолиятини Бухоро амирлиги даврида илм-маърифатни эгаллашга даъват этувчи мақолалари билан бошлаган эди. Кейин ёш авлодни янги усулда ўқитиш ишлари билан машғул бўлди. 19-йилларда мактаблар учун она тили ва адабиёти бўйича методик қўлланмалар, турли синфлар учун дарсликлар яратди. «Адабиётдан ўқиш китоби дарслиги», «Ўзбек тили дарслиги», «Ўқиш китоби» шулар жумласидандир. Бу китоблар бир неча бор нашр этилиб, узок йиллар улардан мактабларда асосий дарслик сифатида фойдаланилди.

Бироқ Порсохон Шамсиевнинг энг катта иши Навоий, Бобур каби буюк сиймоларнинг асарларини оддий китобхонга етказиш бўлди. «Хамса», «Бобурнома»дек асарларни араб алифбосидан жорий ёзувга кўчириб, уларнинг оммалашиши йўлида кўп заҳмат чекди. Бу китоблар кейинги тадқиқотлар учун ҳам муҳим манбага айланди.

Устознинг «Хамса»дек буюк асар юзасидан амалга оширган текстологик тадқиқотларининг муҳим жиҳати, аввало, мавжуд нусхалар орасидан энг мўтабар, энг тўлиқ ва саводлисини аниқлаб, матн учун асос қилиб олишидир. Бу – Навоий ҳаётлигида Абдулжамил котиб томонидан



Устознинг «Хамса»дек буюк асар юзасидан амалга оширган текстологик тадқиқотларининг муҳим жиҳати, аввало, мавжуд нусхалар орасидан энг мўтабар, энг тўлиқ ва саводлисини аниқлаб, матн учун асос қилиб олишидир.

кўчирилган нусха. Унинг матнини олим яна бешта мўтабар нусхага қиёслаб ўрганиб чиққан.

Матншуносликда шаклланиб қолган тажрибалар мавжуд бўлсада, матнлардаги фарқларни изоҳлашда домла мутлако янгича йўл тутди ва кейинчалик қатор ишларда шу йўлдан борилди. Бунда ҳар бир қўлёзманинг матний ўзига хослиги алоҳида аниқланиб кўрсатилгач, матн зимнидаги маънога дахлдор фарқлар – тушиб қолган сўз, мисра, байтлар қайд этилади. Лекин устоз асос нусхага ҳам танқидий ёндашиб, баъзи ўринларда унинг матнини ҳам тузатишга муваффақ бўлган эдилар.

Порсохон Шамсиевнинг, айниқса, Фафур Фулом билан дўст ва ҳамкорлиги ғоят самимий ва самарали кечган. 1953–57 йиллари Фафур Фуломнинг тўрт жилдлик асарлари нашрга тайёрланди. Порсохон Шамсиев матншунос сифатида истеъдодининг яна бир киррасини намойиш қилди. Домланинг синчковлиги, билимдонлиги боис мажмуа юқори савияда чоп этилди.

Ўшанда тўпلام тайёр бўлганидан кейин, унга кичик сўзбоши ҳам жоизлигини ўтиндим. Домла ёзиб келдилар, ҳамкасблардан бири уни таҳрир қилгандек бўлиб, ўзидан кичик бир парча ҳам қўшиб қўйибди. Мен энди буни устозга қандай етказаман деб анча тараддудландим. Кейин ҳеч нарса демай, секингина қўлларига бердим.



Хоразм. Огаҳий юбилейида, 1959 й. Сурада (ўнгдан): Порсоҳон Шамсиев, Субутой Долимов, Суйима Ғаниева, Абдуқодир Муродов, Сабоҳат Азимжонова

Домла дарҳол ким таҳрир киритганини билди ва:

– Қизик бўлибди, пахталик чопонга кимхоб ямоқдек тушибди. Ҳай майли, – деди.

Худди ўзим ўйлагандек устозга бу «марҳамат» маъқул бўлмади. Бу Порсоҳон Шамсиевнинг «нозик мизож»лигига бир далил, холос. Лекин устоздаги юсак маданият ва тавозеъ, адаб ва камтарлик кўпинча уни юзага чиқармас эди. Аммо таъби тортмаган одам билан суҳбатга киришмасди.

Порсоҳон Шамсиев табарруқ инсон эди. Садриддин Айний, Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Бокий домла, Ҳоди Зариф, Анисий, Муъинзода, Чархий каби олим, фозил ва шоирларнинг дўст ва ҳамкори бўлган. Кўпинча, улар билан бўлиб ўтган баҳсу суҳбатларини мароқланиб сўзлаб берарди.

Устоз жуда меҳнаткаш эди. Толиқмай меҳнат қилишни ҳам, шу меҳнат роҳатини тотишни, унинг завқини – гаштини суришни ҳам биларди. Давраларда жой танламас, аксар ёшлар орасида бўларди. Ниҳоятда саҳий, мурувватли ва меҳрибон инсон эди. Барчага ёрдам беришга тайёр эди, хусусан, ёшлардан фойдали кўмак ва қимматли маслаҳатларини дариф тутмасди.

1960 йили «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, нашрга берадиган бўлдим. Институтимиз директори Азизхон Қаюмов шарқшунос олим ва хаттот Абдуқодир Муродовдан илтимос қилиб, ҳусни хат билан бутун матни кўчириб беришга розилиқларини олди. (Шу китоб Муродов домланинг охириги ишлари бўлиб қолди.) Мен анча муфассал сўзбоши ҳам ёздим. Қиш кезлари эди. Порсоҳон домлага ўқиб бермоқчи бўлдим. Устоз бошдан охиригача берилиб тинглади. Вақти-вақти билан мени ўқишдан

Устоз ниҳоятда саҳий, мурувватли ва меҳрибон инсон эди. Барчага ёрдам беришга тайёр эди, хусусан, ёшлардан фойдали кўмак ва қимматли маслаҳатларини дариф тутмасди. Давраларда жой танламас, аксар ёшлар орасида бўларди.

тўхтатар, ўша давр адабий жараёни, шоирларнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан суҳбат орага тушиб турарди. Икки кун ўқиганимиздан сўнг:

– Яшанг, шунча қизик гапларни қаердан топдингиз? Навоийнинг санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди, табиати ва ишларини алоқадорликда олганини дуруст пайқаб ёзибсиз. Лекин, афсус, ҳозир бундай қаралмайди, – деб Хондамир келтирган қизик маълумотларни ҳикоя қилиб

берди. – «Мажолис»даги шоирлар ҳақида маълумотлар йиғиб, асарларини ахтариш ишларини доим назарда тутсангиз жуда яхши бўлур эди, – дея насиҳат ҳам қилдилар.

1966 йили навбатдаги илмий-анъанавий навоийшунослик анжуманидан кейин Абдуқодир Ҳайитметов хонадонидан меҳмон бўлдик. Озарбайжондан академик Ҳамид Орасли, Тожикистондан академик Абдулғани Мирзаев, Ленинграддан турколог олим, таржимон Сергей Иванов ҳам Навоий конференциясида иштирок этгач, биз билан бирга меҳмондорчиликка келган эдилар. Суҳбат асносида Ҳамид Орасли мендан: «Маркаб» нимани англатади?» деб сўраб қолди. Мен: «От, улов, кема», деб жавоб бердим. Негадир Ҳамид муаллим жуда хурсанд бўлиб, бу сўзни ишлатган шоирдан бир байтни шарҳлай кетди. Байтда «маркаб» «кема», «қайик» маъноларида қўлланилганди.

Шунда Порсоҳон Шамсиев ёнларидан бир парча қоғоз чиқариб: «Мен ҳам бир имтихон қилай, мана бу байтни ҳозирги алифбога ўгирилинг-чи», деб қолдилар. У қуйидаги байт эди:

Мен ёзиб чиқдим:



ЎзРФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари даврасида. 1960-йиллар

*Гирех-гирех чу тўқарсен ётар оёгинга соч.
Гирехларни чу очарсен тушар қулоч-қулоч.*

Домла ўқидилар, байт мазмуни ҳақида ҳам сўз кетди. «Нега биринчи сўзни «гирех» деб ўқидингиз?» – деб сўрадилар. Мен: «Сўз «соч», «зулф» ҳақида кетаётгани учун, «жингалак», «бурама», «тугун» маъносида «гирех» деб ўқидим», деган жавоб бердим. Домла: «Имтиҳон натижасидан мен хурсандман. Лекин бир катта, Навоий бўйича яхши ишлар қилган одам бу сўзни «карра» деб ўқиган ва китобида ҳам шундай кетган», деб афсусландилар.

Устоз билан бирга меҳнат қилган пайтларимиз бир нарсдан хайратланардим. Домла ўзи жуда яхши биладиган сўзларни ҳам луғатдан бир қараб оларди.

– Луғат кўриш яхши одатга айланиши керак. Кутилмаганда сўзнинг маълум бўлмаган бир қиррасини билиб оласиз, билганингиз эса хотирага нақшланиб бораверади, – деб айтарди.

Бир куни менга «ринд» сўзининг луғавий маъносини билиш зарур бўлиб қолди. Ўзимдаги луғатлар қоник-тирмади чоғи, эртасига устозга мурожаат қилдим. Анчагина тушунтиргач, қўлига луғат олиб варақлади. У ерда «ринд – шарият қоидаларини жохиллик юзасидан эмас, балки онгли суратда инкор қилувчи зийрак, хушёр, озод фикрли одам», деб изоҳланган экан... Устоз ўшанда чиройли табассум билан:

– Э-ҳа, ўзимиз эканмиз-да! – деган эди.

Ёшлари улуғ, ўзлари вазмин ва босиқ табиатли бўлса-да, домла болалардек хайратланиб, завқланарди.

Бир куни Ленинграддан, Сергей Николаевич Ивановдан мактуб олдим. Хат сўнгида имзо чекиладиган жойда «Алахону аломон» деб ёзилган эди. Мен ишлатилган лутфдан лол қолдим. Эртасига ишхонада домлага мактубнинг охириги бетини кўрсатдим. Домла хайратга тўлиб, бироз чайқалиб, ёддан ўқий кетди:

*Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаву хайрон мендек.
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъниким, алохону аломон мендек.*

Домла: «Имтиҳон натижасидан мен хурсандман. Лекин бир катта, Навоий бўйича яхши ишлар қилган одам бу сўзни «карра» деб ўқиган ва китобида ҳам шундай кетган», деб афсусландилар.

Охириги мисрани яна бир қайтаргач, сўрадилар:

– Сергей Николаевич рафиқасининг исми Аллахонми?

– Ҳа, шундай, – деб жавоб қилдим мен.

– Мошаллох! Қойил! Рус бўла туриб, бундай назокатли лутф... Йўқ, йўқ бу лутф ул-алтоф – лутфларнинг лутфи бўлибди!

Устоз анча вақтгача бу воқеани эслаб, беҳад завқланиб юрди.

Устозда шукроналик хисси ғоят барқарор эди. Ўз ҳаётидан, турмушидан, нашр қилган ишларидан, дўсту ҳамкорлари билан дийдорлашувдан доимо шукрона қиларди. Бўлимимиздаги катта-кичikka баравар меҳр билан қарарди. Саъдийнинг бир байтини такрорлашни ҳуш кўрар эди.

*Як гуле мақсуд дар ин бўстон
Чийда нашуд бемадади дўстон*

Яъни: бу бўстонда бирор-та мақсад гулини дўстларнинг мададисиз ўқиб бўлмайди.

Устоз ўз касбини жуда сеवार, қандайдир ибратнок хузур билан, роҳатланиб ишларди. Ўзининг унумли, файзли ҳаёти давомида китобдан бош кўтармади,

десак хато бўлмас. Мен бир чамалаб чиқдим – 1000 босма табоқдан зиёд асарлар Порсоҳон Шамсиев иштироклари ва таҳрири остида нашрдан чиққан экан. Бу – хайратомуз меҳнат натижаси.

Порсоҳон Шамсиев Алишер Навоий асарларининг биздаги, Қозон ва Ленинград хазиналаридаги кўплаб ноёб нусхаларни илмий таомилга киритди.

Қозон фондидаги Алишер Навоий асарларининг икки қўлёзма нусхаси Порсоҳон домланинг диққатини тортади. Улардан бири «Хамса»нинг мукамал нусхаси бўлиб, колофонсиз экан. Домла уни синчиклаб, коғози, хат услуби, безак йўлларини ўрганиб, XVI асрга мансуб эканлигини аниқлайди ва муфассал тавсифини яратиб, фондга тақдим этади. Кейинчалик бу манба «Хамса»нинг илмий-танқидий матнини тиклашда жалб қилинган 6 мўътабар нусхалар таркибига киритилган эди.

Яна бир нусха Навоийнинг илк девони бўлиб, уни Ҳирот шаҳрида хижрий 976 (милодий 1568) йили Маҳмуд котиб деган хаттот кўчирганлиги қўлёзма охирида (колофонда) қайд қилинган экан. Жиддий тадқиқ этилгач, бу қўлёзма Ҳамид Сулаймонов томонидан Ленинградда топилган «Илк девон»нинг яна бир нусхаси бўлиб чиқади. Кейин домла бу иккала нусхани муқояса қилиб, барча фарқларни аниқлаб, юқорида зикр этилган «Хамса» ва Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган Махфуз Абдулжамил «Хамса»си ҳақидаги маълумотлар билан мақола ҳолида «Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари» тўпламида (1968) эълон қилди.

Инглиз шарқшуноси Ч.Рёе тавсиф қилган фехрастга

Инглиз шарқшуноси Ч.Рёе тавсиф қилган фехрастга



Бухоро давлат педагогика институти. Порсохон Шамсиевнинг 70 йиллик юбилеи. 1967 й. Сураатда (чапдан): Мустақим Мирзаев, Раҳмат Маждий, Порсохон Шамсиев.

Ўзининг унумли, файзли ҳаёти давомида китобдан бош кўтармади, десак хато бўлмас. Мен бир чамалаб чиқдим — 1000 босма табокдан зиёд асарлар Порсо Шамсиев иштироклари ва таҳрири остида нашрдан чиққан экан. Бу — ҳайратомуз меҳнат натижаси.

таяниб, «Британия музейи»дан Махфуз Абдулжамил котибнинг «Тухфат ус-салотин» номли асарининг фотонусхасини олишга муваффақ бўлган. Ушбу асарни котиб Алишер Навоий ғазалларидан танлаб олиб, 45 мавзу бўйича саралаган, 408 байтдан таркиб топган мажмуа шаклида яратганлигини аниқлаб чиққан.

Домла бу мажмуанинг яратилиши узоқ вақт чуқур мулоҳаза ва билимдонлик билан олиб борилган жиддий ёндашувни тақозо этганлигини баён этиб, унинг муқаддимасидан баъзи парчаларни келтирган эди. Ундан кўринадики: Хусайн Бойқаро ҳукми билан Навоийнинг яқинларидан шоир ва бастакор Хожа Шихобиддин Абдуллох Марворий шоир девонларидан терма шеърлар тузиб, китобат қилади. Буни Хусайн Бойқаро ҳузурда кўрган Навоий шукрлар адосини қалам тили билан бир рубойда изҳор қилади. Бундан гоят таъсирланган Абдулжамил:

*«Кўнглумга ўзгача қувват этиб,
Хома учин тез эттим, чун ул тартиб.»*

Ихтисордин холи эрмас эрди (яъни, Абдуллох Марворий тузган мажмуа қисқа эди). Бу учурда (яъни, бу вақтда) доғи мазкур бўлган дастур била абёт жамъи қилиб, қирк беш тухфа ва бир хотима маркум қилди (битди). Ҳар тухфасида чандин латойиф ва ғаройиб марғуб макнун ва мавжуд ва ҳар лафзи бир қиссага шомил ва ҳар байти бир оятга мутааззамин ва мисраъи бир ҳадисга мувофиқдур», деб ёзади.

1991 йили Навоийнинг ўз қўли билан кўчирган дастхати — «Наводир ун-нихоя» девонининг нотаом нусхасини Эрондан келтирилишига ноил бўлиб, нашр қилишга киришганимда, Порсохон домлани жуда кўмсадим. Навоийнинг дастхатлари тақдирини, муҳрига

қандай сўзлар нақшлангани ҳақида Хўжандда — адабиётшунос олим Эргашали Шодиев хонадониди, Навоий таваллуди кунларида кечган суҳбат бот-бот ёдимга тушар, агар устоз ҳаёт бўлганларида, энг аввало, уларга бу секинчи хабарни етказиб, муҳрдаги сўзларни ҳам арабшунос ахтармасдан устоз назарларидан ўтказардим, деб ўқиндим.

...1971 йилнинг қаҳратон киши. Мен Москвага илмий сафардан Порсохон Шамсиевнинг докторлик диссертацияси дипломини Олий аттестация комиссиясидан олиб кайтдим. Домла шифохонада экан. Институтимиз ходимлари — устознинг дўстлари, ҳамкасблари Жуманиёз



Самарқанд. Абдурахмон Жомийнинг 550 йиллик юбилейида академик Иброҳим Мўминов бошчилигидаги делегация. 1964 й.

Шарипов ва Абдуқодир Ҳайитметовлар билан шифохонага йўл олди. Пағалаб қор ёғиб турарди. Шинамгина хонада устоз билан кўришиб, муборакбод этиб, дипломни топширдик. Жуда хурсанд бўлди. Икки кўлини баланд кўтариб ҳаммани, кейин мени кўп дуо қилди.

1972 йили Наврўзнинг учинчи куни Порсохон Шамсиев оламдан ўтди. Кўп орзулари армон бўлиб қолди. Устоз «Хамса» дostonларининг илмий-танқидий матнини бир жилда, бир муқовада кўришни истарди. Абдулжамил котиб тайёрлаган «Тухфат ус-салотин»ни нашр қилдириш ниятида эди. Навоий асарлари юзасидан олиб бориладиган матншунослик ишларида бир хил принципларга риоя қилишга эришишни зарур деб биларди. Мумтоз адабиётимиз асарларига кўп жилдли изохли луғатлар яратилишини орзу қилар эди.

Устоз ҳақида ўйлаганимда, узоқ вақт бирга ишлаган мароқли йиллар, нафис суҳбатлар, оқилона маслаҳат, доно ўғитларини эслаб фахрга тўламан. Бугун устознинг орзулари амалга ошмоқда. Ўша йиллари мамнун мавзуларга йўл очилди. Навоийнинг 20 жиллик асарлари Порсохон Шамсиев илмий-танқидий матни асосида изохлар билан чоп қилинди...

Ҳазрат Навоий битган ушбу байтлар эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, филология фанлари доктори, меҳрибон устоз Порсохон Шамсиевга бағишлангандек:

*Гуҳар чўмса дарёга, бўлсун ҳаёт
Қуёш ботса, гардунга етсун сабот!*